



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI  
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM O'ZGARISHI VAZIRLIGI  
DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI MARKAZI  
XORAZM VILOYATI FILIALI**

Manzil: 220106, Urgahch shahar, Yoshlik ko'chasi, Tel: 95-620-10-42, 95-620-10-43.

**DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI  
XULOSASI**

**TARTIB RAQAM 01-02/13-1406**

**HUJJAT TURI** Atrof-muhitga ta'sir to'g'risidagi ariza loyihasi

**Davlat ekologik ekspertizasi buyurtmachisi: XORAZM VILOYATI HOKIMLIGINING  
HUZURIDAGI YAGONA BUYURTMAUCHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYASI  
DUKga berildi.**

**STIR: 204821497**

**Obyekt nomi:** Хоразм вилояти Хонқа тумани “Қоракош” маҳалласида жойлашган 49-сон ихтисослаштилган мактабни таъмирлаш ишлари

**Loyihalarini ishlab chiquvchi nomi: NAMUNA EKO MASULIYATI CHEKLANGAN  
JAMIYAT**

**STIR: 302809058**

**Davlat ekologik ekspertizasi mas'ul eksperti: XUDAYBERGENOV MAKSUD  
ALIMOVICH**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 7-sentabrdagi 541-son qarori bilan tasdiqlangan 1-ilovaga muvofiq, ushbu davlat ekologik ekspertizasi obyekti **atrof-muhitga ta'sir ko'rsatishning IV toifa toifasining 7-bandiga mansub**.

O'tkazilgan davlat ekologik ekspertizasi natijasi: **Ijobiy xulosa**

Davlat ekologik ekspertizasi xulosasi: **Ilovasiz huquqiy hujjat hisoblanmaydi**

**Berilgan sana:** 10.10.2024

**Amal qilish muddati:** 10.10.2027

*Ekologik ekspertiza obyektining ekologik talablarga muvofiqligi, joylashuv nughtalari koordinatalari, atrof-muhitni muhofaza qilish chora-tadbirlari, bajarilishi shart bo'lgan talablar va boshqalar to'g'risida ilovada keltirilgan O'zbekiston Respublikasi ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi vazirligining Davlat ekologik ekspertiza markazi va filiallarining ekspert xulosasi ushbu davlat ekologik ekspertizasi xulosasining ajralmas qismi hamda unda belgilangan talablar bajarilishi shart hisoblanadi.*

*Izoh: Buyurtmachi tomonidan davlat ekologik ekspertizasi xulosasida nazarda tutilgan ekologik talablarga rioya etilmaganda, davlat ekologik ekspertizasi xulosasi qonunchilikda belgilangan tartibda bekor qilinadi.*

**Direktor**



**J.Xayitov**

## **Davlat ekologik ekspertizasi natijalari bo‘yicha Ekspert xulosasi talablari**

Объект таъмирланишидан ва курилиш ишларидан олдин туман қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги бўлими, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, туман санитария эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Худудий электр тармоқлари” АЖ Хоразм худудий филиали, “Узсувтальминот” Хоразм вилояти МЧЖ, “Худудгазтальминот” АЖнинг шартларига риоя қилиш, фавқулодда вазиятлар бошқармасининг туман бўлимлари томонидан берилган техник шартлар асосида амалда бажариш.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5863-сон ҳамда ПФ-6155-сон Фармонларига биноан давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтлар ва буталар қиммат баҳо навларининг кесилишига мораторий белгиланганлиги сабабли ушбу фармонлар талабларини амалда бажариш.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармонига мувофиқ бутун мамлакат миқёсида дараҳтзорларни кўпайтиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилаётганлигини инобатга олиш.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги № 290 сон қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида дараҳтлар ва буталарни кесганлик учун тўловини амалга ошириш, мавжуд дараҳтларни имкон қадар сақлаб қолиш чораларини кўриш.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳт ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2022 йил 22 август 464-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига риоя қилиш.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 28-январдаги “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 40-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом талабларирига риоя қилиш, хосил бўлган қурилиш ва бошқа чиқиндиларни таалуқлиги бўйича тегишли ташкилотларга муддатларида топширилишини таъминлаш, кам чиқитли технологиялардан ва муқобил энергия турларидан фойдаланиш чораларини кўриш
- Қаттиқ майший чиқиндиларни белгиланган жойларга жойлаштириш.

- Объектни жойлаштиришда СанҚвам №0350-17нинг талабларига мувофиқ санитархимоя зонасини таъмилаш бўйича туман Санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлими ташкилотидан хulosha олиш.

- Объектда муқобил энергиядан фойдаланиш чораларини кўриш
- Объектни фойдаланишга топшириш жараёнида Хоразм вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси вакили иштирокини таъминлаш.

### **Назорат учун**

Хоразм вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси Хонқа тумани бўлимидан Хоразм вилояти Хонқа тумани “Қоракош” маҳалласида жойлашган 49-сон ихтисослаштилилган мактабни таъмирлаш ишларининг атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёноти лойиҳасида келтириб ўтилган экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид чора-тадбирларни ўз вақтида бажарилишини назоратга олиш талаб этилади.



Ma'sul ekspert: XUDAYBERGENOV MAKSUD ALIMOVICH

## Obyekt haqida qisqacha ma'lumot

Буюртмачи томонидан Хоразм вилояти Хонқа тумани “Қоракош” маҳалласида жойлашган 49-сон ихтисослаштилилган мактабни таъмирлаш ишларининг «Атроф мухитга таъсир тўғрисидаги баёнот» лойиҳаси хужжатлари «Давлат экологик экспертиза маркази» ДМнинг Хоразм вилоят филиалига тақдим қилинди. Тақдим қилингандан лойиҳанинг асосий мақсади режалаштирилаётган ишларнинг ўтказилиши ва фаолияти жараёнида уни – атроф мухитга таъсир кўрсатиши тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ баҳолашдан иборат. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 30 январдаги ҚҚ 666-IV-сонли қарори, Халқ депутатлари Хонқа тумани Кенгашининг 2024 йил 10 сентябрдаги VI -111-105-12-175-К/24-сонли қарори, Хоразм вилояти хокимлиги хузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ДУК директори томонидан тасдиқланган ва Хонқа тумани 49-сон ихтисослаштирилган мактаб директори билан келишилган лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши учун Топшириқи хамда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунлари хамда тегишли тартибдаги раҳбарий хужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 21-январдаги 14-сонли қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, корхона фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 07 сентябрдаги № 541-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турлари рўйхатида атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг **4-тоифасига** мансуб, паст даражада хафли фаолият тури хисобланади. Лойиҳада объектни жойлашган ўрни, минтақанинг иқлими, физик-географик тафсилотлари, тупроқ таркиби, ер ости сувларининг сатхи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хамда атроф муҳитнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жумладан, иқлим жихатдан объект жойлашган майдон Ўрта Осиё марказий қисмининг чўл ҳудудига кириб, иқлими 4-тоифали ҳудудлартоифасига мансуб яъни кескин континенталлиги, ёз фасли жуда иссиқ, қиши фасли жуда совук ва қуруқ бўлиб, ёз фаслида ҳаво ҳарорати ўртача йиллик +27-27,5 Сни, энг баланд ҳарорат +45-48 Сни, қиши фаслида энг паст ҳарорат -28,4 Сни ташкил қиласи, ҳудуда шамолнинг ўртача тезлиги 3-4м/с.ни ташкил қиласи. Ҳудуд сейсмик жихатдан Рихтер шкаласи бўйича 8 балли тоифага киради. Ер ости сизот суви 1,4-1,6 метрдан пастда жойлашган. Йиллик ёғин кўрсаткичи ўртача 100 мм.ни ташкил қиласи.

Лойиҳа учун танланган ер майдони Хоразм вилояти Хонқа тумани “Қоракош” маҳалласида жойлашган 49-сон ихтисослаштирилган мактаб ташкилоти бўлиб, чегараланиши қуидагича: Шимол томондан ички йўл ва турар жойлар ҳудуди билан, жануб томондан ички йўл билан, шарқ томондан мавжуд объект ҳудуди билан, гарб томондан очик майдон билан чегараланганди. Лойиҳа мўлжалланаётган фойдаланиш режасига кўра объектнинг умумий ер майдони 12975.76 кв.метр бўлиб, бино ва иншоотлар қурилиш ости ер майдони 1834.81 кв.метр, ўйин спорт майдончалар-1000 кв.м, йўл ва йўлакчалар майдони 2141 кв.м, кўкаламзор майдон 5000.0 кв.м, очик майдонлар 3000 кв.мни ташкил қилиши, объектда мактаб ташқи ва ички қисмлари хоналарини таъмирлаш, иссиқлик тизими радиаторларни алюмин биметал радиаторларга алмаштириш, ошхонага ва хожатхонага кафел ётқизиш, дераза ва эшикларни замонавийларга алмаштириш, йўл ва йўлакчалар бетонлаштирилиши, брускатка ётқизиш, ташқи фасад қисмлари совукдан химояловчи тавертин қопламали қилиб таъмирлаш, объектда ёнғинга қарши қалқон, чиқндилирни вақтинча сақлаш қантейнери мавжуд бўлиб, фаолиятида маҳалла болаларни замонавий биноларда ўкув амалиётлари учун имкониятлар кенгайиши кутилади. Лойиҳа учун танланган ер майдони объект координаталари:

41°25'40.64" Шимолий кенглик

60°42'32.28" Шарқий узунлик

Объектнинг сувдан фойдаланиш манбалари: ичимлик – хўжалик эҳтиёжлари учун мавжуд водопровод тармоғидан олинади. Бошқа эҳтиёжлар учун маҳаллий ариқ ёки ер ости сувидан фойдаланиш режалаштирилган. Жами ишлатиладиган сув сарфи 2820.0 м<sup>3</sup>/йилни ташкил қилиши, шундан ичимлик –хўжалик эҳтиёжлари , сугориш эҳтиёжларини ташкил қилиб, объект фаолиятидан хосил бўладиган 1220 м<sup>3</sup>/йил оқова сувлар маҳсус шимувчанликка қарши бетонлаштирилган оқава сув чукурчасига ташланиши ва белгиланган тартибда ассанизацион автотранспортларда оқова тозалаш иншоотига ташланиши лойиҳада қайд қилинган.

Муассаса фаолиятидан келиб чиқадиган майший чиқиндилар хисоби йилига 32.4 тоннани ташкил қилиб, қаттиқ чиқиндилар вақтинчалик маҳсус контейнерларда тўпланиб, шартнома асосида чиқиндиҳонага ташиб кетилади, ишлатишдан яроқсиз холга келган энергия тэжамкор 0.0045 тн /йил ЛЭД лампалар чиқиндиси хосил бўлиши ва маҳсус корхоналарга топширилиши, қурилиш-таъмирлаш ишларидан хосил бўлган қурилиш чиқиндилари маҳсус жойда вақтинчаллик сақланиши ва қурилиш ташкилоти базасига олиб чиқилиши ёки майдонларни текислаш ишларида ишлатилиши режалаштирилган..

Объектда атмосфера ҳавосига заарли чиқинди чиқарувчи манбаълар асосан қурилиш техника ва механизмлар ишларидан кузатилиб, кўчма манбалар очик майдонда ва оралиқ масофаларда ишлатилишидан таъсиrlар сезирарли эмаслиги ва қурилиш ишлар якунланиши билан таъсиrlар кузатилмайди. Қозонхона лойиҳада таъмирланиши режалаштирилмаганлиги лойиҳада келтирилган..



Ma'sul ekspert: XUDAYBERGENOV MAKSUD ALIMOVICH